

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила

Жаҳолатнинг натижаси

Бу қисса қадим замонларда яшаган қавмлардан бирининг қиссасидир, улар ўзлари ясаб олган бутларга ибодат қилардилар ҳамда залолат ва жаҳолат узра адашиб юрардилар. Бу адашган қавм ўзига Намруд исмли подшоҳни танлаб олганди, у ўзини ақл-заковати ва қуч-қудратини васф қиларди (мактанарди) – қавмини бутларга ибодат қилаётганини кўриб, уларни йигиб олди ва уларни қизиктирадиган услубда шундай деди: «Эй инсонлар, менга ибодат қилинглар, мендан бошқасига ибодат қилманглар. Шундай қилиб, у ўзини қавмга илоҳ қилиб олди. Улар ҳеч тушунмай-ўйламай уни тасдиқлардилар. Намруд шу йўсинда салтанат соҳиби бўлди, ўзининг ҳавои нафсига кўра одамларни хорлай бошлади.

Ақлли фикр юритувчи киши

Бу бузук хаёт авжига чиккан пайтда кичик бир гўдак тугилди. У Иброхим (алайхиссалом) эди. У ўсиб-улгайди, катта бўлганида эса Аллох унга рушду-хидоят ва хикмат ато этди. Уни ҳақ йўлга хидоят қилди. У Якка-ю Ягона Аллох бутун борликни яратганини билди ва қавми ибодат қилаётган бутлар бирор фойда бермаслигини тушундиди. Улар оддий тошлар холос, гапирмайдиган соқов, кўра олмайдиган кўр, эшитмайдиган қар, унинг ўзи эса улардан яхшироқдир. Қандай қилиб тошга ибодат қилади? Иброхим (алайхиссалом) қаби инсонлар ақл (фикр юритувчи восита), кўз(қўриш), кулок (эшитиш), тил (гапириш) қаби неъматларга эгадир. Тош эса булардан бирортасига эга эмас-ку?! Аллох саҳих динни ёйиш учун уни танлади ва қавмини даъват қилиб уларни Аллохга хидоят қилиш учун Ўзига элчи қилиб тайинлади.

Аллохга даъват қилиш

Эй укаларим, шубҳасиз, сайидимиз Иброхим (алайхиссалом) худди Аллох буюрганидек иш юритади, адашган қавми оламларни яратган Зотга – ёлғиз Аллохга даъват қилади. Одамларга ёлғиз Аллохгина уларнинг Роббилари, фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилиш лозим бўлган Илох эканини ва улар бирор фойда ёки зарар келтиролмайдиган бутларнинг барчасини тарқ қилишлари кераклигини баён қилади. Эй кичик укаларим, албатта, бу яхшиликка даъват қилишдир. Аллох томонидан юборилган муқаддас рисоладир – Исломдир! Албатта, Аллох ҳақиқий Илохдир. Ундан бошқаси ёлгон илохдир.

Отасига килган даъвати

Иброхим киссасиниг ажабланарлиси жойи шу эдики, унинг отаси одамларга бут сотар ва уларни бутларга ибодат килишга чакирарди. Лекин саййидимиз Иброхим (алайхиссалом) хакни танигани учун унга отасини иймонга даъват килиш вожиб бўлди, чунки у отасига одамларнинг энг яқини эди. У отасининг олдига борди ва чиройли сўзлар ила шундай деди:

«Эй отажон! Мен сизнинг ўглингизман, Роббим мени Расул (Пайгамбар) килди ва менга кўп илм-маърифат ато этди. Мана бу тошлар бизларга фойда бермайди, ким уларга ибодат килса, демак, у шайтонга ибодат килибди. Киёмат куни унинг иши каттик ва аламли азоб-укубатлар билан тугайди. Эй отажон, бу бутлардан кайтинг, оламлар Роббисидан бошқасига ҳеч ибодат килманг».

Газаб ва халимлик (юмшоклик)

Саййидимиз Иброхим бу нарсани ўз падари бузрукворига баён килганида отаси газабланди, унинг сўзини эшитишдан бош тортди (эшитишни хохламади) ва унга эътироз билдирган холда шундай деди:

«Эй Иброхим, сен менинг худоларимдан юз ўгирувчимсан?!»

»

(Ёки биз ибодат килаётган нарсани тарк килишни хохлайсанми? Агар бутларга ибодат килишга кайтмасанг, сени ўлдираман, мени тинч кўй, мендан узоклаш ва менинг газабим ва жаҳлимдан эҳтиёт бўл, деди.) Иброхим падари бузрукворининг таҳдидини хотиржамлик билан қабул килди ва унга шундай жавоб берди:

«

Мен сизлардан ҳам, Аллохдан ўзга илтижо килаётган нарсангиздан ҳам четланаман

»

. У билан хайрлашиб отасининг куфр келтиргани учун махзун бўлган холда кайтиб кетди. Отасини тарк килганидан кейин кавмига келиб, ўз даъватини сабр ва халимлик билан давом эттирди.

Бутларнинг парчаланиши

Эй суюклиларим, биз у ёшлигида бутларнинг фойда келтирмаслигини кофирларга кандай килиб кўрсатиб кўйишни хохлаганини эслашимиз керак. Иброхим уларнинг ибодат киладиган, бутлари сакланадиган жойларига келди, (ибодатхона одамлардан холи эди, у ерда ҳеч ким йўқ эди) у аввал бутларни масхаралай бошлади: (Бирор нарса ейсизларми? Сизларга нима бўлдики, гапирмаяпсизлар?) сўнгра болтани кўлига олди, бутларни ўнг ва чап тарафдан уришни бошлади, уларни парчалаб ташлади факат биттаси колди ва унинг бўйнига болтани илиб кўйди, сўнгра чикиб кетди. Одамлар ибодатхонага кириб буни кўргач, тиллари шундай деди: **«Бизнинг худоларимизга ким бундай килди?»**

» Бирлари деди:

«Уларни

эслаб юрган бир йигитни эшитган эдик, уни Иброхим, деб айтишарди»

. Биз уни танидик , деганларича килган катта гунохи сабабли уни азоблаш учун йўл олдилар.

Фурсатни ганимат билиш

Иброхимнинг олдига келиб одамларни йигдилар. Бу эса янгича муносабат эди, саййидимиз Иброхим (алайхиссалом) бундан хурсанд бўлди, чунки у хозир одамларни тўпланган холда даъват кила оларди. Уни кўрганларидан кейин савол ва мухокамалар бошланди, улар: **«Худоларимизга буни сен килдингми, эй Иброхим?»** дедилар. У: **«Йўк, буни манави, уларнинг каттаси килди. Агар гапирадиган бўлсалар, улардан сўраб кўринглар»**,

деди. Улар бир-бирларига карадилар сўнгра дедилар:

«Сен, батахкик, буларнинг гапирмаслигини билар эдинг!

» Шу ерда хакикатни инкор этишдаги кўркокликлари ва ожизликларини исботладилар. Улар тошларнинг гапирмаслигини ва бирор иш килолмаслигини билар эдилар.

Бу – менинг йўлим

Мана шу ерда Иброхим ўзининг буюк сўзлаши ила (чиройли охангда) шундай деди: **«Алл охни кўйиб, сиз хеч манфаат хам, зарар хам бермайдиган нарсага ибодат киласизми?»**

» «Улар фикр юритмайдилар ва аклларини хам ишлатмайдилар». Иброхим уларга даъватида хар бир инсон Аллохга иймон келтириши, Аллохга ибодат килиши ва факат Аллохгагина дуо килиши лозимлигини тушунтиришга хара кат килди

. Лекин кавмнинг калби очилмади, улар ўз жойларидан кўркдилар ва дедилар:

«Уни куйдириглар!

» «

Агар (бир иш) киладиган бўлсангиз, худоларингизга ёрдам беринг!

» Охири Иброхимни ўлдириш учун оловга ташлашга қарор килдилар, унинг гунохи эса ёлғиз Аллохга иймон келтиргани эди.

Олов унга азият бермайди

Эй кичик укаларим, сизлардан: «Саййидимиз Иброхим содир этган гунох ўзи нима эдики, уни хатто ёкиб юборсалар?» деб сўрасам, сизлар: «Аллохга иймон келтириш», дейсиз. «Сўнгра нима?» «Даъватни ошкора килиш, у одамларни жахолат ва залолатдан куткаришни хохлагани». Оловни кенг килиб ёкканларидан кейин Иброхимни унга ташладилар, лекин у кўркмади, чунки унинг Аллохга бўлган иймони кучли эди. Мана шу холатда осмондан оловга вахий тушди: **«Эй олов, сен Иброхимга салкин ва саломатлик бўл!»** » Олов Иброхимга азият бермаган холда ўчди. Одамлар ажабландилар ва ўзларининг шармандали холатларидан хижолат бўлдилар. Аллох рост сўзлади: « **У лар у (Иброхим)га ёмонлик ирода килган эдилар. Биз уларни энг зиёнкорлар килиб кўйдик»** »

Намруд билан (сухбат)

Подшоҳ бу ҳақда эшитди, уни касрига чакириб, ундан сўради: «Сен бизларни даъват килаётган илоҳ ўзи ким? Бу ерда мендан бошқа робб борми?» Иброхим шундай деди: **«Менинг Роббиим тирилтиради ва ўлдиради**

».

Намруд деди:

«Мен тирилтираман ва ўлдираман»

. (Ёки хохлаганимни ўлдираман ва хохлаганимни афв киламан) деди. Шу ерда саййидимиз Иброхим (алайхиссалом)нинг зукколиги намоён бўлади, агар мана шу ерда Намрудга кийин савол берса, одамларнинг кўз ўнгида Намруднинг ёлгонлари фош бўлади. (Иброхим) унга деди:

«Албатта, Аллох куёшни Машрикдан чикаради, бас, сен уни Магрибдан чикаргин-чи?!»

(Ёки тирилтирадиган ва ўлдирадиган зот ундан бошка ишларни ҳам, албатта, кила олади) деди. Шубхасиз, Намруд бундай килолмайди. Куёш тизими ёлғиз Аллохнинг кўлидадир. Шу ерда подшоҳнинг ёлғонлари кўриниб колди, у кўркиб, Иброхимга шаҳарни тарк килиб бошка бир узокрокдаги шаҳарга кетишини буюрди.

Юлдузларга ибодат киладилар

Иброхим (алайхиссалом) юлдузларга ибодат киладиган бир қавм олдидан ўтиб колди, улар билан юлдузларга ибодат килишни тарк этишлари учун муҳокама килиб фикр алмашишни хохлади. Одамларга кўриниб турадиган баландрок жойга чиқиб олди, осмонга қараб бир юлдузни кўрди ва бақириб нидо килди: «Бу – менинг Роббим. Албатта, у чиройлидир». Иброхим кофирларнинг олдида хурсандлигини кўрсатди. Бироздан кейин юлдуз йўқолиб колди, махзунлигини кўрсатиб: «Илох йўқолиб колди, ундай бўлса юлдуз менинг илохим эмас, илох гойиб бўлмайди», деганича ундан бошка илох кидирда бошлади, ойнанинг хажми унинг эътиборини тортди, албатта, у каттадир. Яна қайтадан нидо килди: «Мана бу – менинг Роббим, албатта, у катта ва чиройлидир, бу йўқолмайди». Лекин ой Иброхимнинг сўзини эшитмади ва тонгда гойиб бўлди. У махзунлигини қайтадан намоён килди. Эрталаб куёш кунни ёритиб чиқди, (Иброхим) деди: «Албатта, у ойдан каттарокдир, бу юлдуз ва ой қаби гойиб бўлмайди». Кечгача кутди, лекин у гойиб бўлди. Шу ерда Иброхим (алайхиссалом) ҳақиқатни баён килиб шундай деди: «Юлдуз гойиб бўлиб кўринмай колди, ой кетиб қайтмади, куёшнинг нури хозир кетиб колди, ундай бўлса ҳақиқий илох ким? Албатта, У Аллох! Албатта, У юлдузнинг, ойнанинг ва куёшнинг яратувчисидир ҳамда бутун борликнинг яратувчисидир». Хурсандлигидан бақириб, қичқирди: «Эй Роббимиз! Мен Сени билиб олдим, Сен Аллохсан! Сен менинг Роббимсан, Сендан бошка илох йўқ, Сен ҳеч қачон гойиб бўлмайсан, Сен ҳар дақиқа мен билан биргасан, чунки мен мўминман (Сенга иймон келтирганман), Сен мўмин ва мусулмонларни яхши кўрасан».

Куш билан бўлган кисса

Эй укаларим, Иброхим, Аллох одамзотни яратувчиси эканига ва Киёмат куни яна кайтадан тирилтиришига иймон келтирган (мўмин) Пайгамбар эди. У мана шу дунёнинг ўзида ундан бирор нарса кўришни хохлади. Ёки Аллох ўликни кандай тирилтиришини кўришни хохлади? Бу калбининг хотиржам бўлиши учун эди, у бунга иймон келтирмагани учун эмас. Аллох унинг ниятини ижобат килди, унинг ишончи зиёда бўлиши учун хакикат килди (яъни Аллох таоло Ўз Кудратини Иброхим (алайхиссалом)га кўрсатди), шундай килиб унга тўртта куш олишни ва уларни сўйиб тоғларнинг тепасига отиб юборишни талаб килди, сўнгра уларни чакирса, унинг олдига келишлари ва улар харакатланиб юришларини хамда уларга хаёт кайтарилишини айтди. Бу ишни килганида кушлар кайтиб келишди. У Аллох таолога шукр килди, Аллох хар бир ишга Кодир Зот эканига ишончи ва иймони зиёда бўлди

Шундай килиб, эй укаларим, суюклиларим, сизлар хам Аллохнинг Расули Иброхим (алайхиссалом)ни танидингиз, мен хам танидим.

* Ўз отасини кандай даъват килди?

* Бутларга ва юлдузларга ибодат килувчи кавмини кандай даъват килди?

* Намрудни кандай даъват килди?

* Ўлим ва хаётни Аллох яхши кўрадиган чиройли услуб ва мусулмон кишининг даъватига ёрдам берадиган гўзал сўзлар билан ўргандик.

